

ШАРТНОМА № 1

(Озиқ - овқат маҳсулотларини сотиб олиш тўғрисида)

25 январь 2022 йил

Фарғона шаҳри

Маргилон шаҳар 1- Мехрибонлик уйи
(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

бундан буён бир томондан «Ҳаридор» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи директори Ё.ДЖАХОНОВА, иккинчи томондан

"SHARQ DURDONA GRAND" МЧЖ раҳбари Д.НЕЪМАТИЛЛАЕВА

(хўжалик юритувчи субъект, ФИШ)

низоми асосида иш юритувчи бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни сотиш, «Ҳаридор» эса тўловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

№	Маҳсулот номи	Ўл.бир	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	2	3	4	5	6
1	Банан	кг	5	18000	90000
2	Мандарин	кг	5	34000	170000
3	Апельсин	кг	4	25000	100000
4	Киви	кг	2	30000	60000
5	Нок	кг	3	30000	90000
6	Олма кизил	кг	5	15000	75000
7	Писта	кг	2	120000	240000
8	Бодом	кг	2	90000	180000
9	Помидор	кг	3	20000	60000
10	Бодринг	кг	3	20000	60000
11	Шоколад	кг	4	35000	140000
12	Сок 1 литр кадокланган	лирт	8	11500	92000
13	Ичимлик Fanta 1 литр	лирт	8	10000	80000
14	Ичимлик Cola 1 литр	лирт	8	10000	80000
15	Колбаса дудланган	кг	3	38000	114000
16	Пишлоқ	кг	3	28000	84000
17	Куй гушти	кг	3	75000	225000
18	Гуруч девзира	кг	5	12000	60000
	Жами				2000000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Икки миллион сум 00 тийин

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ҳаридор» товар учун олдиндан, етказиб берилмаган товарнинг 30% миқдоридан пул утказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Ҳаридор» томонидан қолган 70 % тўлов "Сотувчи" томонидан товарлар етказиб берилиб, ҳисоб фактуралар тақдим қилинганидан сўнг тўлаб берилади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» товар учун 30% миқдорда сума тўлангандан сўнг товар 30 кун муддат ичида «Ҳаридор» га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилмаган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Ҳаридор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Ҳаридор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Ҳаридор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 3 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.2. «Ҳаридор»нинг мажбуриятлари:

- «Ҳаридор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни даъволатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3 кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномада кўрсатилган сумманинг 0.5 % миқдоридан «Харидор»га пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 20 % миқдоридан жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдоридан «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақтлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмас Иктисодий суд ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари тартибида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022йил «25» 01 январь дан 2022йил «31» декабрь гача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (булим)да рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

"SHARQ DURDONA GRAND" МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Фаргона ш. Тинчлик 3

Тел./факс: (99891) 115-41-50

Х/р 20208 000 905 160 271 001

Агро банк

Фаргона филиали

МФО – 00495

СТИР-307 005 271

Раҳбар: **Д. НЕЪМАТИЛЛАЕВА**

(имзо)

«Харидор»

Маргилон ш.1-Меҳрибонлик Уйи

(Бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Маргилон ш. Туркистон 188А

Тел./факс 400121860304127095100075001

Х/р 100021860304127095100075001

ИНН-200140256 ОКОНХ-92310

Фаргона вилояти буйича газначилик бошқармаси

ЯГХ – 23402000300100001010

МФО-00014 Газначилик бош СТИРи-201122919

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

Директор: **Ё. ДЖАХОНОВА**

(имзо)

Хуқуқшунос